



MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
LIMITED LIABILITY COMPANY
www.audires.com

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

« QO'QON SHAHAR DEHQON BOZORI » AKSIYADORLIK JAMIYATI

(СТІР 200127935)

Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хулоса

Фикр

Биз « QO'QON SHAHAR DEHQON BOZORI » AKSIYADORLIK JAMIYATI нинг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар « QO'QON SHAHAR DEHQON BOZORI » AKSIYADORLIK JAMIYATI нинг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг “Профессинал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МХХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончининг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида проффессинал мулоҳаза юритамиз ва проффессинал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- **фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;**
- **корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;**
- **қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;**
- **бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, жамиятнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.**
- **биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.**

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Бошқа қонун ва тартибларга мувофиқ ҳисобот

Аудиторлик хулосаси ушбу бўлимининг шакли ва мазмуни бошқа қонун ҳужжатлари, тартиблар ва аудит стандартларида белгиланган қоидаларга кўра ҳисоботларни тақдим этишда аудиторнинг бошқа мажбуриятларининг хусусиятига боғлиқ бўлади. Ушбу тақлиф, зарур бўлганда, молиявий ҳисобот аудити билан биргаликда ички назоратнинг самарадорлиги хулоса бериш мажбуриятини олган ҳолларда ўзгартирилиши мумкин.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AUDIRES» аудиторлик ташкilotи раҳбари:

Аудитор:

Умматов В.В.

Умматов В.В.



Хулоса тузилган сана 20 апрель 2023 йил.

Умматов Вахид Валиевич, аудитор малака сертификати №05993 21.08.2022 й. Ўзбекистон Республикаси «BUXGALTERLAR VA AUDITORLAR IMTIHON MARKAZI» томонидан берилган.